

## Вақт тушунчаси



11:00 / 10.05.2022 7106

*Мен «Вақтни тартибга солиш» деган иборани хато деб биламан. Чунки вақт ўзи тартибли: 60 сония – 1 минут, 60 минут – бир соат, 24 соат – бир кун ва ҳоказо. Баъзилар вақтни идора қилиш керак дейишади. Вақтни идора қилиб бўлмайди, вақт бизни идора қилади. Ахир 24 соатни 30 соатга чўза олмаймиз-ку! Менимча, ўзимизни идора қилиб, бажарадиган ишларимизни тартибга солишимиз тўғрироқ бўлса керак. Кўпчилик вақтни тартибга солиш деганда дам олмасдан, тинимсиз ўқиш ёки ишлаш деб тушунади. Йўқ, ундай эмас.*

*Аслини олганда мусулмон киши дунёдаги энг тартибли, вақтдан энг унумли фойдаланадиган намунали инсон бўлиши лозим. Чунки у ҳар куни беш маҳал намозни белгиланган вақтда канда қилмай ўқийди. Йилнинг белгиланган ойида бир ой рўза тутуди. Имкон топса, белгиланган вақтда*

ҳаж қилади ва ҳоказо. Биргина намознинг ўзи мусулмоннинг тартибли бўлиши, ҳамма ишларини ўз вақтида бажаришга одатланиши учун кифоя қилади деб ўйлайман.

Мусулмон одам ўзига кун тартиби қилиб, кун мобайнида қиладиган ишларини режалаштириб олиши керак. Бирламчи ва иккиламчи ишларни ажратиб олиши, режалаштирган ишларига муносиб вақт танлаши, тоқатидан ташқари вазифаларни ўзига юклаб олмаслиги керак. Кўпчилик «Фалон нарсага вақтингиз борми?» дейишади. Мен табассум қилиб, «Ўзи вақтим йўғ-у, лекин кун тартибимга киритиб, вақт ажратаман», дейман. Салаф уламоларимизнинг машҳур гапи бор: «Вақт – қилич кабидир. Сен уни кесмасанг, у сени кесади».

Вақтнинг қадрига етайлик, азизлар!

**Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф**